

ЛАПАЛЬЛИС АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

(Ҳикоя) Ориф Одилжонов

*Яшаининг олий ҳақиқатини кашф этган
буюк ихтироичига бағишлайман.*

У билан таниш бўлган ва ёки бир дақиқа гап-сўзига кулоқ солган киши унинг барча чақалоқлар катори йиғлаб туғилганига ишонмайди. Одамлардан у ҳақида сўрасангиз тахминан шундай жавоб беришарди: “Лапальлисми, ҳа уни таниймиз. Оғзи юмилмас бир девона-ку”. Ҳа, унинг оғзи кулгудан юмилмайди.

Лапальлис. Шавкатли қиролликнинг шавкатсиз фуқароси. Балки одамлар ҳақдир. Унинг девонадан нима фарқи бор? Кунлар илиши билан орлеанликлар унинг бемаъни ҳазилларидан зада бўла бошлайдилар. Куни бўйи шаҳарнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида пайдо бўлади. Дуч келган одамга ҳазил қилади. Шеърлар айтадимиз-ей. Шунинг учун бутун Орлеан бўйлаб уни билмаган одам йўқ. Исмини билишмаса, ҳаммага маълум ҳақиқатларни айтиб юрган патила сочли девонани эслатсангиз бас. Балки унга сиз ҳам дуч келгандирсиз? Аслида кўриниш бинойидек, фақат гаплари жуда алмойи-алжойи. Бирдан ҳовлиқиб қаршингизда пайдо бўлади-да, худди ҳозиргина оламшумул бир янгилик содир бўлган-у, ундан ўзга ҳамма беҳабар қолгандек бидирлай кетади: “Эшитдингизми, бугун ҳаво илиқ эмиш”, “Бугун оқшом осмонга юлдузлар чиқармиш”. Аммо одамлар ҳам унинг қизиқ хангомаларига анча ўрганиб қолишган. Тўсатдан тор кўчадаги қахвахонага кириб келганида унинг “янгиликни эшитдингизми”сига одамлар атайин “йўқ” деб жавоб беришади. Кейин у бу сафар қандай гап айтаркин, деб баробар унга кулоқ тутишади. Шунда у қахвахоначи тутган бир стакан сувдан ютоқиб ичади-ю, бири жиддий, бири масҳаромуз тикилиб турган ўнларча кўзга бирма-бир қараб, тантанали равишда “оламшумул” янгиликни эълон қилади:

- Бугун кўкатфуруш Севиля кўчага пушти нўхотгулли сарофан кийиб чиқди. Худо ҳаққи, ўзим ҳам аввал кўзларимга ишонмадим. Лекин ҳар қанча ишониш қийин бўлмасин, бу айна ҳақиқат!

Лапальлис шундай дейди-ю, наҳотки сўзларимга ишонишмаяпти, дегандек атрофдагиларга кўз югуртиради. Одамлар ҳам жўрттага ўзларини ҳайратлангандек қилиб кўрсатишади. Ваҳоланки, ўша кўкат сотиб тўртта етим боқадиган бева Севилянинг пушти нўхотгулли куйлагидан бошқа кийими йўқлиги орлеанликларнинг кучугига ҳам маълум. Сўнг бирдан қахвахонада шодон қахқаха кўтарилади. Мақсадига етганидан мамнун Лапальлис қахвахонадан чиқар экан ўзича ўйлайди: “Ҳайрият, ҳақиқатга одамлар ишонишди”.

Бизнинг девона Лапальлис ана шундай одам. Баъзан уч-тўртта хотин гурунглашиб турган жойга яқин келадию, ҳаммага умумий салом беради. Сўнг одатий саволини ташлайди:

- Янгиликни эшитдиларингми?

Одатий жавоб олади:

- Йўқ, нима гап?

Бу гал у бирор “янгилик” айтиб ҳаммани “ҳайрон” қолдирмайди. Умидсиз қўл силтайди.

- Икки қулоғи қўшнисиникида бўлган бир тўп хотин янгилик йўқ деяптими, демак шаҳарда янгилик йўқ...

Одатдагидек кулгу янграйди.

Хуллас, дунё дунё бўлиб ҳали ҳеч ким Лапальлиснинг ғамгин ҳолда кўрмаган. Фақат мен кўрганман...

...Ўша куни у эрта тонгда уйимга кириб келди. У аввал ховлида сигирларни соғиб олиш учун тараддудланаётган кампирим билан шанғиллаб саломлашди:

- Ҳайрли тонг, София хола! Бугун сигир соғмоқчимисан, дейман?

- Хайрли тонг. Буни қара-я, бугун тунда тўсатдан миямга сигир соғиш фикри келиб қолди, энсаси қотиброқ алик олди София. Лапальлис ўша кувноқ оҳангда давом этди:

- София хола, биласанми, барча сигири бор хотинлар сенга хавас қилишади.

- Ол-а!

- Рост, чин сўзим. Биласанми нега?

Сут челақни кўтариб олган София оғилхона эшигига етганда тўхтади. Ўғирилди:

- Ҳўш, нега экан?

Лапальлис кампиримнинг калта бўйига ишора қилиб жиддий қиёфада деди:

- Албатта хавас қиладида. Ахир ҳеч ким худди сендек тик турганича сигир соғолмайдику.

Лапальлиснинг бу муболағасидан хандон отиб кулиб юбордим. Кампирим “бор-е”, дегандек қўл силтаб оғилга кириб кетди. Лапальлис кутилмаганда бир нимани эслаб қолгандек мен томонга юрди.

- Қандайсан қария!

- Михдай, - жавоб бердим мен.

- Одамдай мих бўлмаганидек, одам ҳам михдай бўлолмайди. Михни кўятур сенга зўр янгилигим бор. Хуллас, аниқлашимча, ҳар куни тонгда куёш кун ботар томонга қарама-қарши тарафдан чиқар экан.

- Йўғе?! - “ҳайрат”ландим мен.

- Ишонавер. Ўзим текшириб кўрдим. Майли омон бўл!

Лапальлис қандай келган бўлса шундай чиқиб кетди. Эҳтимол кейинги воқеалар бўлмаса, бугун сизга буларни ҳикоя қилиб ўтирмасдим. Аммо ўша куни кечга томон бир ёмон иш бўлди.

Даладан қайтаётсам Лапальлис ўрмон четидаги йўл ёқасида ҳомуш ўтирибди. Даставвал уни танимай қолибман. Яқинроқ боргач униқиб кетган

костюмидан танидим. Одамни кайфият ҳам шу қадар қиёфасини ўзгартиради деб ҳеч ўйламаган эдим.

- Хайрли кеч, Лапальлис! – дедим яқин келиб. У бошини бир кўтарди-ю, хазин жилмайди. Бундай жилмайиш унинг қувноқ юзига унча ярашмади. Деярли шивирлаб жавоб қайтарди:

- Хайрли, қандайсан Заглада.

- Сенга нима бўлди қария? - ёнига чўкдим. У ҳар доимгидек, пойинтар-сойинтар қилиб эмас, дона-дона қилиб гапирди:

- Нега шундай, Заглада. Биз инсонлар энг олий неъмат – табассумни ҳам унутиб қўйяпмиз. Мана сен, оддий деҳқонсан ва бундан ҳеч қачон афсус қилмагансан. Болаларинг тўқ, усти яланғоч эмас. Демак, сен бахтлисан. Нолишга ҳаққинг, кулмасликка асосинг йўқ.

- Албатта, мен ўзимни ҳамиша бахтли ҳисоблаганман. Нима гап ўзи?

- Ўзим шунчаки, у шундай дедию, уфққа қараб қолди. Сўнг худди ўз-ўзига гапиргандай деди: Одамлар бирор яқинлари вафот этганда, қабри устида нутқ сўзлашади. Ҳаётлик чоғида қилган яхши ишларини эслашади. Башарти мен вафот этсам, одамлар қабрим устида самимий қах-қаха сочишларини истайман. Лапальлис шундай дедию, яна жимиб қолди. Кейин бирдан яна ўша биз билган ва ўрганган қувноқ Лапальлисга айланди. Сапчиб ўрнидан туриб, йўл четидаги ҳовузчадан юзтубан ётиб сув ичди. Сувнинг таъми ёқмади шекилли, афтини бужмайтирди. Сўнг ўрнидан туриб енг билан лабларини артди. Менга юзланди:

- Вақтинг қандай қария? Бемалол бўлсанг мен билан юр, одамларга манави ҳовузчанинг сувини умуман ичиб бўлмаслигини етказамиз.

У жавобимни ҳам кутмай бозормайдон сари илдам юриб кетди...

Шу куни тунда Лапальлис ҳаётдан кўз юмди... Қандай дейсизми, буни ўзимиз ҳам сезмай қолдик. Ҳаётлик даврида қандай тушунарсиз яшаган бўлса, ўлими ҳам шундай юз берди...

...Мен билан хайрлашгач бозормайдонга борган экан. Бозорга кираверишидаги чоғроқ дўкончада савдо қиладиган Илларион майфуруш

дўкони олдида хизматчиси бир бочка винони эҳтиётсизлик қилиб тўкиб юборганидан жиғибийёрони чиқиб турган экан. Буни эшитган Лапальлис унга “Бўшаб қолган бочкангга ўрмон четидаги ховуз сувидан тўлдириб кел. Ишонавер, сенинг виноларингнинг таъмидан қолишас экан. Ўзим синаб кўрдим” деб ҳазил қилибди. Шундоқ ҳам ловуллаб турган Илларионга бу гап алангага мой сепгандек таъсир қилибдию, Лапальлиснинг ёқасидан олибди. Кейинроқ гувоҳларнинг айтишича, Илларион унга “Бефаҳм аҳмоқ, дарди йўк эшшак, ҳаётинг саробдай изсиз ўтяпти. Менга маслаҳат беришни сен девонага ким қўйибди”, - дегандек гап айтганмиш. Одамлар бир амаллаб унинг қўлидан Лапальлисни ажратиб олишибди. Бу хангомани эшитган заҳотим лоп этиб боягина ўрмон четида Лапальлис менга айтган сўзлари ёдимга тушди. “Биз инсонлар яшашнинг олий ҳақиқатини ҳам унутиб қўямиз”.

...Тонгда Лапальлисни ўша – ўзи ҳуш кўрган ўрмон четига дафн этишди.

Эртаси куни тонгда ўрмон четидаги йўлдан ўтганлар Лапальлиснинг қабрига кўзлари тушиши билан кулгудан ўзларини тия олмадилар. Кимдир қабр устига ёғочлавха илиб кетибди. Унда шундай сўзлар бор эди: “Лапальлис. Ўлимидан бир дақиқа олдин тирик эди”.

Орадан кўп ўтмай биз Лапальлисни соғина бошладик. Одамлар уни соғингани сари у қилган ишлари, антиқа гапларини эслаб кулиб юрадиган бўлишди.

Лапальлис ўлди. Кулгу ўлмади...